

Объектларни жорий таъмирлаш бўйича

166566/1_-сонли

Лот: 22120012166566

ПУДРАТ ШАРТНОМАСИ

Карши. ш.

"1" ноябр 2022 йил

Кейинги ўринларда "Бош пудратчи" деб юритиладиган "Кашкадарё йўллардан мунтазам фойдаланиш унитар корхонаси" номидан директор **Б.Вафаев** бир томондан ва кейинги ўринларда «Ёрдамчи пудратчи» деб юритиладиган УНИВЕРСАЛ ТАЪМИР ТАЪМИНОТ ИЧК номидан Устав асосида иш юритувчи директори **Т.Ахатов** иккинчи томондан, ҳужжатларида назарда тутилган ишлар ҳажми миқдорида) доир мазкур пудрат шартномани туздилар.

I. ТАЪРИФЛАР

1. Мазкур шартномада қуйидаги таърифлар қўлланилади:

ижро ҳужжатлари - натурада бажарилган ишлар ёки ишларни бажариш учун масъул бўлган шахслар томонидан уларга киритилган ўзгаришларнинг ушбу ишчи чизмаларга мувофиқлиги тўғрисидаги ёзувлар билан биргаликда объект қайта қуриш қилишга ишчи чизмалар туркуми, сертификатлар, техник паспортлар ва ўрнатилган асбоб-ускуналарнинг сифатини ва ишларни бажаришда қўлланилган материаллар, конструкциялар ва деталларнинг сифатини тасдиқловчи бошқа ҳужжатлар, беркитиладиган ишлар тасдиқланганлиги тўғрисидаги далолатномалар, айрим масъулиятли конструкциялар оралиқ даврда қабул қилиниши тўғрисидаги далолатномалар, монтаж қилинган асбоб-ускуналарнинг яқка тартибдаги синови тўғрисидаги далолатномалар, қурилиш-монтаж ишларини бажарилишини юритиш дафтарлари ҳамда қурилиш нормалари ва қондаларида назарда тутилган бошқа ҳужжатлар;

қурилиш майдони - мазкур шартнома (контракт) доирасида барча ишларни бажариш даврида далолатнома бўйича Бош пудратчи томонидан Ёрдамчи пудратчига ажратилган ер участкаси. Объектнинг қурилиш майдони чегараси ажратиб қўйилади ёки бош режага мувофиқ белгиладиган бошқа белгилар билан белгилаб қўйилади;

вақтинчалик иншоотлар - Ёрдамчи пудратчи томонидан қурилиш майдонида ўрнатиладиган ва ишларни бажариш учун зарур бўлган ҳар қандай типдаги вақтинчалик бинолар ва иншоотлар;

беркитиладиган ишлар - сифати ва аниқлигини кейинги ишлар бажарилгандан кейин аниқлаш мумкин бўлмаган кейинчалик бажариладиган ишлар ва конструкциялар билан беркитиладиган ишлар;

шартнома нархини бўлиб чиқиш - ишларнинг ҳар бир босқичи ва/ёки турлари қийматини аниқ белгиланган ҳолда шартнома бўйича объектнинг умумий қийматини босқичларга тақсимлаш.

II. ШАРТНОМА МАВЗУСИ

2. Ёрдамчи пудратчи мазкур шартнома бўйича объектда қайта қуриш қилиш ишларини лойиҳа-смета ҳужжатларида кўзда тутилган ҳолда бажариш мажбуриятини олади, Бош пудратчи эса Ёрдамчи пудратчига қайта қуриш қилиш ишларини бажариш учун зарур шароитлар яратиш, уларни қабул қилиш ва тўловни амалга ошириш мажбуриятини олади.

III. ШАРТНОМА БЎЙИЧА ИШЛАР ҚИЙМАТИ.

"Объектнинг" номи: 4P91B "КАРШИ Ш. ТЕМИР ЙУЛ БЕКАТИГА КИРИШ" АЙУЛИ (ГУЗОР КУЧАСИ) 1,5 КМНИ ЖОРИЙ ТАЪМИРЛАШ МАВЖУД ТУНГИ ЁРИТИШ ТИЗИМИНИ ЖОРИЙ ТАЪМИРЛАШ ИШЛАРИ

3. Мазкур шартнома бўйича "Объектнинг" умумий қиймати ишлар қиймати барча солиқлар, йиғимлар ва ажратмаларни ўз ичига олган ҳолда жорий нархларда **710 500 000,0** (Етти юз үн миллион беш юз минг) сўмни ташкил этади.

4. Ишлар қиймати узил-кесил ҳисобланади ва кейинчалик қайта кўриб чиқилиши мумкин эмас, қуйидаги ҳоллар бундан мустасно:

объектнинг қайта қуриш қилиши ишлари қийматини кўпайтиришга енгиб бўлмайдиган куч (форс-мажор) ҳолатлари сабаб бўлганда;

ишлар ҳажми Бош пудратчи томонидан ўзгартирилганда;

объектни қайта қуриш қилиш ишлари муддати бир йилдан ортиқ бўлганда иккинчи йилга ва кейинги йилларга шартномавий нархларни аниқлаштириш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

5. Лойиҳа-смета ҳужжатларида бажарилиши кўзда тутилган иш ҳажмлари Ёрдамчи пудратчи томонидан тўлиқ ва сифатли қилиб бажарилиб, айрим иш ҳажмлари ва харажатлари смета ҳужжатларида кўзда тутилган маблағлардан амалда иқтисод қилинса, ушбу маблағни айрим харажатлар бўйича кўрилиши мумкин бўлган зарарни ва қўшимча бажарилиши лозим бўлган иш ҳажмлари харажатларини қоплаш учун объектнинг

умумий қиймати доирасида асословчи ҳужжатлар асосида Бош пудратчининг руҳсати билан йўналтирилиши мумкин.

IV. ЁРДАМЧИ ПУДРАТЧИНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

6. Мазкур шартнома бўйича Ёрдамчи пудратчи шартноманинг II бўлимида назарда тутилган ишларни бажариш учун:

қайта қуриш қилиш ишлари бошланишдан олдин объектда қайта қуриш ишларини олиб бориш даври учун, Бош пудратчи иштирокида қайта қуриш қилинаётган йўл қисмини ва ундаги мавжуд йўл элементларини далолатнома асосида йўлдан фойдаланувчи ташкилотдан қабул олади ва қурилиш-монтаж ишлари якунлангандан сўнг фойдаланувчи ташкилотга топширади. Қайта қуриш қилиш ишлари олиб борилаётган даврда ушбу йўл қисмида йўл ва йўл иншоотлари элементларини сақлаш ишларини амалга оширади;

объектнинг ижро ҳужжатларини расмийлаштириш ва Бош пудратчига топшириш, қурилиш материалларининг мувофиқлик сертификати, ишлатилган қурилиш материаллари ва ускуналарнинг техник паспортини тақдим этади;

шартнома шартларига асосан объектни Бош пудратчига тасдиқланган лойиҳага мувофиқ топширади;

зарур ҳолларда айрим иш турларининг бажарилишида лойиҳа-смета ҳужжатларида белгиланган машина-механизмлар ўрнига, ўриндош машина-механизмлардан фойдаланилиши, белгиланган сифат ва технологик жараённинг бузилмаслигини кўрсатувчи сифат лабораторияси ва лойиҳачи ташкилотнинг тегишли ҳулосаси асосида амалга оширилиши мумкин;

барча ишларни мазкур шартномадаги бажариш жадвалида назарда тутилган ҳажм ва муддатларда, ўзининг кучлари билан қурилиш қондалари ва меъёрларига, белгиланган стандартларга амал қилган ҳолда сифатли бажариш ҳамда ишни Бош пудратчига мазкур шартнома шартларига мувофиқ топширади;

объектга зарур қурилиш материаллари, буюмлар, конструкциялар, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, бошқа хом-ашёлар ва қурилиш техникасини ўз вақтида ҳамда зарур ҳажмларда етказиб бериш, уларни қабул қилиш, тушириш, омборга жойлаш ва сақлашни амалга оширади;

зарур ҳолларда қурилиш майдони ҳудудида вақтинчалик иншоотлар қуради;

қурилиш майдонида техника хавфсизлиги, ишларни бажариш вақтида атроф муҳитни, ўтказилган дарахтларни ва ер участкасини муҳофаза қилиш бўйича зарур тадбирлар бажарилишини таъминлайди;

мазкур шартнома бўйича объектни фойдаланишга қабул қилиб олиш тўғрисидаги далолатнома имзоланган кундан бошлаб бир ой муддатда қурилиш майдонини ўзига тегишли қурилиш машиналари ва асбоб-ускуналари, транспорт воситалари, анжомлар, приборлар, инвентарлар, қурилиш материаллари, буюмлар, конструкциялар ҳамда вақтинчалик бинолардан бўшатади;

қурилиш майдони қўриқланишини таъминлайди;

ўрнатилган тартибда объектни суғурталанишини таъминлайди;

мазкур шартномада назарда тутилган барча мажбуриятларни ўз вақтида ва тўлиқ ҳажмда бажариш мажбуриятини ўз зиммасига олади;

лойиҳа-смета ҳужжатларига асосан муҳандислик коммуникацияларни қуриш, кўчириш (газ, алоқа, сув, канализация, электр утказиш тармоқлари ва ҳаказо) бўйича махсус ёрдамчи пудрат ташкилотларини жалб қилган ҳолда қурилиш-монтаж ишларини бажаришни ўз зиммасига олади.

7. Ёрдамчи пудратчи мазкур шартнома бўйича барча ишларнинг ўз кучлари билан ва ёрдамчи пудратчилар томонидан зарур тарзда бажарилиши ҳамда объектнинг фойдаланишга тайёр ҳолда топширилиши учун Бош пудратчи олдида тўлиқ мулкӣ жавоб беради. Ёрдамчи пудратчи бош пудратчи олдида ёрдамчи қушимча Ёрдамчи пудратчи ўз мажбуриятларини бажармаганлиги ёки лозим даражада бажармаганлигининг оқибатлари учун жавобгар бўлади. Ёрдамчи пудратчи 3% миқдорда бажарилган ишлар ҳисобидан Бош пудратчининг бошқа харажатларини қоплаб беради

Бош пудратчи Ёрдамчи пудратчи билан тузган шартномалар бузилиши билан боғлиқ талабларни ёрдамчи пудратчиларга қўймайди.

V. БОШ ПУДРАТЧИНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

7. Мазкур шартномани бажариш учун Бош пудратчи:

Ишлар бажарилиши устидан доимий йўл қурилиши сифати назоратини ва мазкур шартномада қайд этилган Ёрдамчи пудратчи томонидан қабул қилинган мажбуриятлар ва бошқа функцияларга риоя этилишини назорат қилиш, Ёрдамчи пудратчидан тугалланган ишларни, амалдаги қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ равишда қабул қилиб олишни таъминлаш;

Ёрдамчи пудратчининг барча мурожаатларини ўн кун муддатда кўриб чиқиш ва қарор қабул қилиш;

мазкур шартнома имзоланган кундан бошлаб 10 кун давомида Ёрдамчи пудратчига ишларни қабул қилиш учун зарур бўлган ижро ҳужжатлари рўйхатини тақдим этиш;

мазкур шартномада назарда тутилган мажбуриятларни тўлиқ ҳажмда бажариш мажбуриятини олади.

Бош пудратчи буюртмачи ташкилот томонидан манзил рўйхати асосида пул маблағлари тулаб берилгандан сўнг ёрдамчи пудратчи бажарилган ишлар учун ҳисоб китоб ишларини бажаради.

Бош пудратчи ёрдамчи пудратчига бажарилган ишларга нисбатан бунак пуллари тулайди

VI. ИШЛАРНИ БАЖАРИШ МУДДАТЛАРИ

9. Ёрдамчи пудратчи мазкур шартнома кучга кирган кундан бошлаб ишларни бажаришга киришади.

10. Мазкур шартнома бўйича қайта қуриш қилиш ишларининг муддати ҳамда бажариладиган ишлар, ишларни бажариш жадвалига мувофиқ амалга оширилади.

11. Ёрдамчи пудратчи бажарилган ишлар бўйича Ф-2, Ф-3 хужжатлари тақдим қилади.

Ёрдамчи пудратчи марзкур шартномага асосан ишларни бажариш жадвалига мувофиқ муддатида бажармаса ҳар бир кечиктирилган кун учун 0,1 фоиздан, аммо шартнома бўйича муддатида бажарилмаган ишлар суммасининг 10 % дан ошиб кетмаган миқдорида Бош пудратчига пеня тулайди

VII. ТЎЛОВЛАР ВА ҲИСОБ-КИТОБЛАР

12. Бош пудратчи Ёрдамчи пудратчига шартномага асосан бажарилган ишларга қараб молиялаштириш ишларини бажаради.

13. Мазкур пудрат шартномаси кучга кирган кундан Ёрдамчи пудратчи томонидан ишларни бажариш жадвалига мувофиқ объектда қайта қуриш ишларини бошлайди.

14. Бажарилган қайта қуриш қилиш ишлари белгиланган тартибда расмийлаштирилган “Маълумотнома-ҳисоб-фактура”га асосан молиялаштирилади. Бунда жорий молиялаштириш амалда бажариладиган ишлар миқдоридан фоиз ҳисобида тақсимланган ҳолда ушлаб қолиб, объектнинг шартномавий қийматининг 95 фоиздан кам бўлмаган миқдорида амалга оширилади.

15. Объектнинг шартномавий жорий қийматидан 5 фоизигача миқдоридаги маблағ, объект давлат қабул комиссияси томонидан фойдаланишга қабул қилиб олинган кундан бошлаб 12 ойлик кафолат муддати ўтгандан сўнг, лекин молиявий йил якунланмасдан олдин молиялаштирилади.

16. Ёрдамчи пудратчи объект фойдаланишга топширилгунга қадар мазкур шартнома бўйича объектга мулк ҳуқуқини ўзида сақлаб қолади. Объект Бош пудратчига топширилгунга қадар объектнинг тасодифий йўқ қилиниши ва шикастланиши хавфидан сақлаш Ёрдамчи пудратчининг зиммасида бўлади.

16.1 Ёрдамчи пудратчилар томонидан бажарилган ишлар лойиха смета хужжатларида курсатилган нарх-наволардан ошмаган ҳолда буюртмачига тақдим этилади.

VIII. ИШЛАРНИ БАЖАРИШ

17. Бош пудратчи қурилиш майдонида ўз вакилини - техник кузатувчини тайинлайди, у Бош пудратчининг номидан бажарилаётган ишлар сифати устидан техник назоратни амалга оширади, шунингдек Ёрдамчи пудратчи томонидан фойдаланиладиган материаллар ва асбоб-ускуналарнинг шартнома шартларига ва иш хужжатларига мувофиқлигини текширади.

18. Техник кузатувчи ишлар бажарилишининг ва шартноманинг бутун даври мобайнида ишларнинг барча турлари билан тўсиқсиз танишиш ҳуқуқига эгадир.

19. Ёрдамчи пудратчи техник кузатувчини ишлаш учун жой билан таъминлайди. Техник кузатувчи Ёрдамчи пудратчи томонидан ўтказиладиган қурилиш майдонида ишларни амалга ошириш чоғида пайдо бўлувчи масалаларни ҳал қилиш бўйича йиғилишларда мунтазам равишда қатнашади.

20. Ёрдамчи пудратчи қурилиш даврида Бош пудратчининг вакилини (техник кузатувчини) вақтинчалик яшаш жойидан таъмирланадиган йўл қисмигача бориб келишига транспорт, қурилиш майдонида иш жойи, лозим топилганда ётоқ жой (дала шароитида) таъминлашни ўз зиммасига олади.

21. Ёрдамчи пудратчи объектда бажарилган ишларнинг ҳажмларини ижро хужжатларини, қилинган сарф-харажатларни Бош пудратчи томонидан мазкур объект учун бириктирилган техник кузатувчи билан ҳар ойнинг 25 кунидан ойнанинг охиригача объектнинг ўзида кўриб чиқади ва тўлиқ маълумотни (белгиланган шаклларда ижро хужжатлари билан) кейинги ойнанинг биринчи кунига қадар “Бош пудратчи”га топширади.

Бажарилган ва молиялаштириш учун қабул қилинган иш ҳажмларида арифметик хато ва бошқа камчиликларга йўл қўйилганлиги аниқланганда, кейинги ойлarda бажарилган иш ҳажмлари тегишли ўзгартиришлар (корректировка) киритилган ҳолда расмийлаштирилади.

Ишларни бажариш жараёнида, ишлаш технологияси ва сифатини бузмаган ҳолда, уз имкониятларидан келиб чиққан ҳолда ишлаш усули ва машина-механизмларнинг бир туридан бошқа ишлаб чиқариш қуввати баланд/паст механизмларга алмаштириш ва амалда бажарилган иш ҳажмлари баҳосини аниқлашда Ёрдамчи пудратчи амалдаги нарх ва механизмлар бўйича расмийлаштириш ҳуқуқига эга.

22. Ёрдамчи пудратчи ишларни бажариш лойиҳасига ва мазкур шартноманинг VI бўлимида кўрсатилган муддатлар билан мувофиқлаштирилган ўз режаси ва жадвалига биноан объектда ишларни бажаришни мустақил равишда ташкил этади.

23. Ёрдамчи пудратчи объектда ишларни олиб бориш тартибини йўл қурилиши сифатини назорати органлари билан келишади ва унга риоя этилиши учун қонун хужжатларида белгиланган тартибда жавоб беради.

24. Қурилиш майдонида умумий тартибни таъминлаш Ёрдамчи пудратчининг вазифаси ҳисобланади.

25. Бош пудратчи қурилиш майдонини бериш тўғрисидаги далолатнома имзоланган кундан бошлаб уч кун муддатда қурилиш майдонини белгилаш бўйича ишларни бажариш ва объектни привязка қилиш учун Ёрдамчи пудратчига геодезия нукталари, уларнинг координатлари ва баландлик белгиларини тақдим этади.

26. Ёрдамчи пудратчи геодезия нукталарига, линиялар ва даражаларга нисбатан объектнинг тўғри ва зарур тарзда белгиланиши, шунингдек баландлик белгилари, ўлчамлари ва бўлиш ўқларининг мувофиқлиги тўғри жойлашганлиги учун жавоб беради.

Агар ишларни бажариш жараёнида амалга оширилган бўлиш ва геодезия ишларида хатолар аниқланса, Ёрдамчи пудратчи Бош пудратчи билан келишган ҳолда тегишли тузатишларни ўз ҳисобидан киритади.

27. Ёрдамчи пудратчи геодезия бўлиш ишларида ўрнатиладиган координатлар ва баландликлар, геодезия белгиларининг жойлашиши схемалари ва жадвалларини сақлайди, ишларни бажариш даврида ва улар тугаллангандан кейин уларни далолатнома бўйича Бош пудратчига беради.

28. Қурилиш майдонида ишларни бажариш даврида коммуникацияларни вақтинча улашни ва улаш нукталарида янгидан қурилган коммуникацияларни улашни Ёрдамчи пудратчи амалга оширади.

29. Ёрдамчи пудратчи ўзи томонидан қурилишда қўлланиладиган қурилиш материаллари, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, конструкциялар ва тизимлар сифати лойиҳа ҳужжатларида кўрсатилган спецификацияларга, давлат стандартларига, техник шартларга мувофиқ бўлишини ҳамда уларнинг сифатини тасдиқловчи тегишли сертификатларга, техник паспортларга ёки бошқа ҳужжатларга эга бўлишини қафолатлайди.

30. Алоҳида масъулиятли конструкциялар ва беркитиладиган ишлар тайёр бўлишига қараб уларни қабул қилиш бошланишидан 2 кун олдин Ёрдамчи пудратчи Бош пудратчини ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Йўл қурилиши ишлари сифатини назорат қилиш Давлат инспекциясини ёзма равишда хабардор қилади.

31. Ёпилиб кетадиган ишларни уларнинг ҳар бир тури (босқичи) бўйича қабул қилиб олиш уларнинг кейинги тур (босқич) ишлари бошлангунга қадар бажарилишига қараб амалга оширилади. Ишларни қуйидаги таркибдаги комиссия қабул қилиб олади: Бош пудратчининг вакили – техник назоратчи (раис), Ёрдамчи пудратчи ташкилот вакили – иш бажарувчи ёки уста, лаборант ва геодезист (зарур ҳолларда), йўлга хизмат кўрсатадиган йўл ташкилоти вакили, лойиҳа ташкилоти вакили (кўтариб турувчи конструкцияларни қабул қилиб олишда). Ёпилиб кетадиган ишларни қабул қилиб олиш натижалари ўрнатилган шакл бўйича далолатнома билан расмийлаштирилади, унда қабул қилинадиган ишларнинг лойиҳа, норматив-техник ҳужжатлар, стандартлар талабларига мувофиқлик даражаси акс эттирилади, шунингдек қабул қилинадиган ишларга баҳо ва ишларнинг кейинги турларини бажаришга рухсат берилади. Далолатномага ўлчовлар қайдномаси ва лаборатория синовлари натижалари илова қилинади.

32. Ёрдамчи пудратчи Бош пудратчининг ишларни қурилиш-монтаж ишларини бажарилишини юритиш дафтарларига киритилган ёзма рухсатномасидан кейингина кейинги ишларни бажаришга киришади.

33. Агар беркитиладиган ишлар Бош пудратчининг тасдиғисиз бажарилган бўлса ёки у бу ҳақда хабардор қилинмаган бўлса, ёки кечикиб хабардор қилинган бўлса, у ҳолда унинг талаби бўйича Ёрдамчи пудратчи Бош пудратчининг кўрсатмасига мувофиқ беркитиладиган ишларнинг исталган қисмини ўз ҳисобидан очишга, сўнгра эса уни тиклашга мажбурдир.

Ёрдамчи пудратчи Бош пудратчининг манфаатларига жиддий таъсир қилмайдиган иш ҳужжатларидан майда четга чиқишларни Бош пудратчининг розилиғисиз амалга оширса, у агар буларнинг қурилиш сифатига ва қийматига таъсир этмаганлигини исботласа жавобгар ҳисобланмайди.

Объектни қайта қуриш қилиш жараёнида технологик жараён олиб борилишининг тўғрилиги, бажариладиган ишлар ҳамда фойдаланиладиган материалларнинг сифати юзасидан техник назоратни амалга ошириш, шунингдек ёпилиб кетадиган ва оралик ишларни қабул қилиб олишда Бош пудратчи томонидан комиссия таркибида иштирок этиш учун ушбу объектга хизмат кўрсатадиган йўл ташкилоти жалб этилиши мумкин.

Бажарилган ишлар ва йўлларнинг тугалланган конструктив элементларини ойлик (оралик) қабул қилиб олиш натижалари белгиланган шаклда маълумотнома-ҳисоб-фактура билан расмийлаштирилади.

Шунингдек, бир квартал ичида тугалланиши белгиланган конструктив элементлар учун объектга олиб келинган қурилиш материаллари қиймати тўловга қабул қилиниши мумкин. Бунда объектга олиб келинган қурилиш материалларини сифатли ва тўлиқ ҳажмда объект фойдаланишга топширилгунга қадар сақлаш Ёрдамчи пудратчи зиммасига юклатилади ҳамда туловга қабул қилинган қурилиш материаллари бир квартал ичида конструктив элемент шаклига келтирилмаса Ёрдамчи пудратчи томонидан туловга тақдим қилинаётган иш ҳажмидан туловга қабул қилинган қурилиш материаллари қиймати камайтирилади.

34. Агар Бош пудратчи Ёрдамчи пудратчилари томонидан ишларнинг сифатсиз бажарилганлигини аниқласа, у ҳолда Ёрдамчи пудратчи ўз кучлари ва маблағлари ҳисобидан ушбу ишларни уларнинг зарур сифатини таъминлаш учун келишилган муддатда қайта бажаришга мажбурдир, ушбу шартнома 31-бандининг иккинчи хат бошида кўрсатилган ҳоллар бундан мустасно.

35. Ёрдамчи пудратчи қурилиш майдонини ва унга туташ йўл участкалари ва йўлакларнинг озодалигини таъминлайди.

36. Ишлар бошланган пайтдан бошлаб улар тугаллангунгача Ёрдамчи пудратчи қайта қуриш ишларини бажарилишини юритиш дафтарини юритади. Дафтарда бутун ишларнинг бориши, Бош пудратчи ва Ёрдамчи пудратчининг ўзаро муносабатларида аҳамиятга эга бўлган ҳоллар ва ҳолатлар (ишларнинг бошланиши ва тамом бўлиши санаси, ишларнинг қабул қилиб олинishi, ўтказилган синовлар, кунлик ўртача ҳаво ҳарорати ва ёгингарчиликлар, шунингдек қурилишни тугаллашнинг узил-кесил муддатига таъсир қилиши мумкин бўлган барча маълумотлар) акс эттирилади.

Агар Бош пудратчи ишларнинг бориши ва сифатидан ёки Ёрдамчи пудратчининг қайдларидан коникмаса, у ҳолда ишларни бажариш дафтариди ўз фикрини баён қилади.

Ёрдамчи пудратчи дафтарда Бош пудратчи томонидан асосли равишда кўрсатилган камчиликларни 3 кун муддатда бартараф этиш чора-тадбирларини кўриш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

IX. ИШЛАРНИ ҚЎРИҚЛАШ

37. Ёрдамчи пудратчи ишлар бошланишидан қайта қуриш қилиш тугаллангунгача ва қайта қуриш қилиш тугалланган объект Бош пудратчи томонидан қабул қилиб олингунга қадар четлари тўсилган қурилиш майдони ҳудудида материаллар, асбоб-ускуналар, қурилиш техникаси ва бошқа мол-мулк зарур даражада қўриқланишини таъминлайди.

X. ЕНГИБ БЎЛМАЙДИГАН КУЧ (ФОРС-МАЖОР) ҲОЛАТЛАРИ

38. Агар ушбу шартнома бўйича мажбуриятлар қисман ёки тўлиқ бажарилмаслиги форс-мажор ҳолатлари (фавқулодда вазиятлар, фавқулодда ҳолат, юқори турувчи давлат органларининг қарори ва бошқа енгиб бўлмайдиган куч) натижасида келиб чиқса ва агар бу ҳолатлар мазкур шартноманинг бажарилишига бевосита таъсир этса, томонлар бундай қисман ёки тўлиқ бажармаслик учун жавобгарликдан озод этиладилар.

Ёрдамчи пудратчининг мазкур шартномани бажариш учун бошқа шартлашувчи шериклари томонидан мажбуриятларнинг бузилиши, мажбуриятни бажариш учун зарур товарларнинг бозорда йўқлиги ёки товарлар нархининг ошиб кетиши, Ёрдамчи пудратчида зарур пул маблағларининг бўлмаганлиги форс-мажор ҳолатларига кирмайди.

Мазкур шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш муддати енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари амал қилган, шунингдек ушбу ҳолатлар юзага келтирган вақтга мутаносиб равишда узайтирилади.

39. Агар форс-мажор ҳолатлари ёки уларнинг оқибатлари бир ойдан кўп вақтга чўзилса, у ҳолда Ёрдамчи пудратчи ва Бош пудратчи ишларни давом эттириш ёки уларни консервация қилиш учун қандай чоралар кўрилишини муҳокама қиладилар.

40. Агар томонлар икки ой ичида келиша олмасалар, у ҳолда томонларнинг ҳар бири шартнома бекор қилинишини талаб қилишга ҳақлидир.

XI. ҚАЙТА ҚУРИШ ҚИЛИШ ИШЛАРИ ТУГАЛЛАНГАН ОБЪЕКТНИ ҚАБУЛ ҚИЛИБ ОЛИШ

41. Қайта қуриш қилиш ишлари тугалланган объектни қабул қилиб олиш шартномани имзолаш санасида амалда булган белгиланган тартибга мувофиқ мазкур шартномада назарда тутилган барча мажбуриятлар томонлартарафида бажарилган кейин, шунингдек қайта қуриш қилиш ишлари тугалланган объектларни фойдаланишга қабул қилиб шунингдек қайта қуриш қилиш тугаланган объектларни фойдаланишга қабул қилиб олиш шаҳарсозлик нормалари, қоидалари ва стандартларига асосан амалга оширилади.

Ёрдамчи пудратчи объектнинг маълум бир қисмини (пусковой комплексе - ишга тушириш мажмуаларини) алоҳида ишчи комиссиясига топшириши мумкин. Объектнинг ишчи комиссияга топширилган қисмини Бош пудратчи фойдаланишга қабул қилиб олади, ва йулдан фойдаланиш ташкилотига топширади.

Қайта қуриш қилиш ишлари қилинган объект ёки унинг участкалари (ишга тушириш мажмуалари) қуйидаги икки босқичда;

Объектнинг тугалланганлиги ва у қабул қилиб олишга тайёрлиги туғрисида Ёрдамчи пудратчи ташкилотнинг хабарномасидан кейин ишчи комиссиялар томонидан;

Ишчи комиссияси тавсияномаси ҳамда объектни фойдаланишга қабул қилиб олишга тақдим этиш туғрисида Бош пудратчидан хабарнома олингандан кейин давлат қабул комиссиялари томонидан фойдаланишга қабул қилинади.

Ёрдамчи пудратчи ташкилот ишчи комиссияга қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилади:

- қурилиш-монтаж ишларини амалга оширишда иштирок этган ташкилотлар томонидан бажарилган ишларнинг турлари ва ҳажмлари ҳамда масъул ижрочилари кўрсатилган ҳолдаги руйхати;
- қабул қилишга тақдим этилган йўлнинг техник лойиҳаси ва ишчи чизмалари туплами ижро схемалари;
- ёпилиб кетадиган ишларни қабул қилиб олиш далолатномалари;
- йул қурилиш материаллари ва йул тўшамаларининг конструктив қатламларидан кесиклар (тупрок жинслари) синовлари журналлари, мувофиқлик сертификатлари;

-ишларни бажариш ва муаллифлик назорати журналлари;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Йўл қурилиши ишлари сифатини назорат қилиш Давлат инспекцияси томонидан курсатилган камчиликларни бартараф этиш далолатномалари.

42. Объектлар уларнинг фойдаланишга тайёрлиги туғрисида Ёрдамчи пудратчининг ёзма билдиришномаси асосида Бош пудратчи томонидан белгиланган тартибда қабул қилиб олинади.

43. Ёрдамчи пудратчи қайта қуриш қилиш тугалланган объектни қабул қилиб олиш бошланишидан 5 кун олдин мазкур шартноманинг V бўлимига мувофиқ Бош пудратчига Ёрдамчи пудратчи томонидан белгиланган таркибда уч нусхада ижро ҳужжатларини беради. Ёрдамчи пудратчи Бош пудратчига ушбу ҳужжатлар туплами амалда бажарилган ишларга тулик мос келишини ёзма равишда тасдиқлаши керак.

44. Қабул қилиб олинган пайтдан бошлаб объект давлат мулкига айланади ва ўрнатилган тартибда йўллардан фойдаланиш корхонаси балансига ўтади.

XII. КАФОЛАТЛАР

45. Ёрдамчи пудратчи:

барча ишлар тўлиқ ҳажмда ва мазкур шартнома шартларида белгиланган муддатларда бажарилишини; лойиҳа-смета ҳужжатларига, шаҳарсозлик нормалари ва қоидалари ҳамда техник шартларига мувофиқ барча ишларни сифатли бажаришни;

ўзи томонидан қурилиш учун қўлланиладиган қурилиш материаллари, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, конструкция ва тизимлар сифатини, уларнинг лойиҳа ҳужжатларида кўрсатилган сертификацияларга, давлат стандартларига ҳамда техник шартларга мувофиқлигини;

шартномада белгиланган кафолат муддати мобайнида объектдан фойдаланиш жараёнида нуқсонлар ва чала қилинган ишлар аниқланганда, ўз ҳисобидан бепул бартараф этишни;

объектдан фойдаланилганда муҳандислик тизимлари ва ускуналарнинг фойдаланиш қоидаларига мувофиқлигини кафолатлайди.

46. Объект ва унга кирадиган муҳандислик тизимлари, асбоб-ускуналар, материаллардан фойдаланиш ва ишларнинг кафолатли муддати томонлар қайта қуриш қилиш тугалланган объектни қабул қилиб олиш туғрисидаги далолатномани имзолаган кундан бошлаб 12 ой этиб белгиланади.

47. Агар объектдан фойдаланишнинг кафолат муддатида аниқланиб, улар бартараф этилгунга қадар фойдаланишни давом эттириш имконини бермайдиган нуқсонлар аниқланса, у ҳолда кафолат муддати нуқсонларни бартараф этиш даврига узайтирилади. Нуқсонлар Ёрдамчи пудратчи томонидан унинг ўз ҳисобидан бартараф этилади.

Мавжуд нуқсонлар ва уларни бартараф этиш муддатлари Ёрдамчи пудратчи ва Пудратчининг икки томонлама далолатномасида қайд этилади.

48. Ёрдамчи пудратчи нуқсонлар ва чала ишлар кўрсатилган далолатномани тузишдан ёки имзолашдан бош тортган тақдирда, уларни текшириб чиқиш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Йўл қурилиши ишлари сифатини назорат қилиш Давлат инспекциясини томонидан амалга оширилади, бу томонларнинг ушбу масала бўйича Кашкадарё иқтисодий судга мурожаат қилишини истисно этмайди.

XIII. ШАРТНОМАНИ БЕКОР ҚИЛИШ

49. Бош пудратчи:

шартнома кучга киргандан кейин қурилишнинг бошланиши Бош пудратчига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра Ёрдамчи пудратчи томонидан уч ойдан кўп вақтга кечиктирилганда;

Ёрдамчи пудратчи томонидан шартнома шартлари шаҳарсозлик нормалари ва қоидаларида назарда тутилган ишларнинг сифати пасайишига олиб келадиган даражада бузилганда;

қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа асослар бўйича шартноманинг бекор қилинишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

50. Ёрдамчи пудратчи:

ишларнинг бажарилиши Ёрдамчи пудратчига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра Бош пудратчи томонидан бир ойдан ортиқ муддатга тўхтатиб қўйилганда;

Бош пудратчи томонидан молиялаштириш шартлари бажарилмаганда;

қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа асослар бўйича шартноманинг бекор қилинишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

51. Шартнома бекор қилинганда Пудратчи ва Ёрдамчи пудратчининг қўшма қарорига кўра тугалланмаган қурилиш 1 ой муддатда Пудратчига берилади, Бош пудратчи бажарилган ишлар қийматини Ёрдамчи пудратчига тўлайди.

52. Мазкур шартномани бекор қилишга қарор қилган томон мазкур бўлим қондасига мувофиқ иккинчи томонга ёзма билдиришнома юборади.

53. Шартноманинг бир томонлама бекор қилинишига йўл қўйилмайди, қонун ҳужжатларида ёки мазкур шартномада назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

XIV. ТОМОНЛАРНИНГ МУЛКИЙ ЖАВОБГАРЛИГИ

54. Томонлардан бири шартнома мажбуриятларини бажармаган ёки зарур даражада бажармаган томон:
-Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексига, "Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида"ги Қонунда, бошқа қонун ҳужжатларида ҳамда мазкур шартномада назарда тутилган тартибда ҳамда бошқа тегишли қонунларга асосан жавобгар бўлади.
-қайта қуриш қилиш ишларини олиб бораётган Ёрдамчи пудратчи қонунчиликка асосан ва шартномага мувофиқ Бош пудратчи олдида қуйидаги ишлар бўйича мулкӣ жавобгардир:
-сифатсиз бажарилган қурилиш-монтаж ишлари;
-объектни ҳамда унинг босқичлари ва навбатларини белгиланган муддатда тугалламагани;
-Бош пудратчи билан тузилган шартнома асосида қурилиш-монтаж ва бошқа ихтисослаштирилган ташкилотлар томонидан усқуналарни монтаж қилиш муддатларини бузилиши;
-объектнинг лойиҳа-смета ҳужжатларида белгиланган ерларни рекултивация қилиш ишлари бажариш ҳажмлари ва муддатларининг бузилиши;
-қайта қуриш қилиш жараёнида ёки оралик қабул қилишда Ёрдамчи пудратчи, муаллифлик назорати ва бошқа назорат органлари томонидан аниқланган конструкция ва ишлардаги йўл қўйилган камчиликлар ва нуқсонларни бартараф этишни орқага суриш;
-шартномада кўзда тутилган бошқа мажбуриятларни бажармагани ёки тўлақонли бажармагани.
-Ёрдамчи пудратчи томонидан ишларнинг бажарилишида пудрат шартномасидан чекиниш ёки бошқа камчиликлар мавжудлигида Бош пудратчи Ёрдамчи пудратчидан ўз ихтиёрига кўра нуқсонларни оқилона муддатларда ўз ҳисобидан бартараф этишни талаб қилиш ҳуқуқига эга.
-Агар Ёрдамчи пудратчи ташкилот нуқсонларни келишилган муддатларда бартараф этмаса, Бош пудратчи ёки йўлдан фойдаланувчи ташкилот ўз кучи билан Ёрдамчи пудратчи ҳисобидан нуқсонларни бартараф этиш ҳамда нуқсонларни ўз вақтида бартараф этилмаганлигидан келтирилган зарарни ва бажарилган иш қийматини ундириш ҳуқуқига эга.

55. Ёрдамчи пудратчи томонидан объектни ўз вақтида ишга тушириш бўйича мажбуриятлар бузилган бўлса Ёрдамчи пудратчи Бош пудратчига муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган қисмининг 0,1 фоизи миқдорида пеня тўлайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси бажарилмаган ишлар ёки кўрсатилмаган хизматлар қийматининг 10 фоизидан ошмаслиги лозим.

56. Агар бажарилган ишлар сифати белгиланган стандартларга, шаҳарсозлик нормалари ва қоидаларига, иш ҳужжатларига мувофиқ бўлмаса, у ҳолда Бош пудратчи Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Йўл қурилиши ишлари сифатини назорат қилиш Давлат инспекциясининг ҳулосаси асосида объектни қабул қилиш ва унинг учун ҳақ тўлашдан бош тортиши, шунингдек Ёрдамчи пудратчидан сифати зарур даражада бўлмаган ишлар қийматининг 30 фоизи миқдорида жарима ундириш ҳуқуқига эга.

57. Муддат ўтказиб юборилганлиги ёки мажбуриятларнинг бошқача тарзда зарур даражада бажарилмаганлиги учун пеня ёки жарима тўлаш томонларни ушбу мажбуриятларни бажаришдан озод қилмайди.

58. Ёрдамчи пудратчи бажарилган ишлар сифати белгиланган стандартларга, шаҳарсозлик нормалари ва қоидаларига, иш ҳужжатларига мувофиқлиги тўғрисида сифат лабораториясининг тегишли ҳулосаси олишни ёрдамчи пудратчи ўз ҳисобидан амалга оширади;

59. Ёрдамчи пудратчи томонидан бажарилган ишлари қабул қилиш комиссиясининг ҳулосасига асосан қабул қилинган кейин 12 ой (1-йил) давомида бажарилган ишлардан камчилик аниқланганда, ёрдамчи пудратчи ушбу камчиликларни бартараф этиш учун тулик жавобгар ҳисобланади.

60. Ёрдамчи пудратчи қурилиш объектини фойдаланишга қабул қилувчи ташкилотлар талабига тулик жавоб беришини ўз зиммасига олади.

XV. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ

61. Ушбу пудрат шартномаси амал қилиш давомида юзага келадиган низолар томонлар тарафидан ўзаро музокара йўли билан ҳал этилади.

Музокара натижасида келишувга келинмаган тақдирда низолар Кашкадарё вилоят иқтисодий судларида эътироз тартибига риоя қилган ҳолда, кўриб чиқилади. Эътирозлар ёзма равишда тақдим қилиниши керак ва уларни кўриб чиқиш муддати эътироз билдирилган томон олгандан кейин 1 (бир) ой муддатни ташкил этади.

XVI. АЛОҲИДА ШАРТЛАР

62. Мазкур шартнома имзолангандан кейин, мазкур шартномага тегишли бўлган томонлар ўртасидаги барча олдинги ёзма ва оғзаки битимлар, ёзишмалар, томонларнинг ўзаро келишувлари ўз кучини йўқотади.

63. Ёрдамчи пудратчи қурилиш объектига ёки унинг алоҳида қисмларига тегишли иш ҳужжатларини Бош пудратчининг ёзма рухсатисиз, ёрдамчи Ёрдамчи пудратчилардан ташқари, бирон-бир учинчи томонга сотиш ёки бериш ҳуқуқига эга бўлмайди.

64. Мазкур шартномага барча ўзгартириш ва қўшимчалар, агар улар ёзма шаклда расмийлаштирилган ва томонлар уларни имзолашган бўлса, ҳақиқий ҳисобланади.

65. Бош пудратчи билан Ёрдамчи пудратчи ўртасидаги мазкур шартномадан келиб чиқмайдиган янги мажбуриятлар пайдо бўлишига олиб келадиган ҳар қандай аҳдлашувни томонлар мазкур шартномага қўшимчалар ёки ўзгартиришлар шаклида ёзма равишда тасдиқлаши керак.

66. Агар Ёрдамчи пудратчи шартнома бўйича ишлар якунлангандан кейин қурилиш майдонида ўзига тегишли мол-мулкни қолдирса, у ҳолда Бош пудратчи Ёрдамчи пудратчи қурилиш майдонини озод қилиш санасигача бажарилган ишлар учун унга ҳақ тўлашни кечиктиришга ҳақлидир.

67. Буюртмачи томонидан ушбу объект бўйича маблаг Бош пудратчининг ҳисоб рақамига утказилгандан кейин, Бош пудратчи Ёрдамчи пудратчига бажарилган ишига қараб ҳисоб-китоб амалга оширилади.

68. Мазкур шартномада назарда тутилмаган бошқа барча ҳоллар учун амалдаги қонун ҳужжатлари нормалари қўлланилади.

69. Мазкур шартнома бир хил юридик кучга эга бўлган 2 нусхада тузилди.

70. Мазкур шартнома томонлар тарафидан имзоланган кундан бошлаб кучга киради. Шартноманинг амал қилиш муддати 2022 йил 5-октябрдан 2022 йил 31-декабргача.

Шартнома кучга кирган кундан бошлаб, томонлар ўз вазифаларини бажаришга киришади, шунингдек мазкур шартнома бўйича ҳуқуқ ва мажбуриятлари вужудга келади.

71. Мазкур шартномада назарда тутилмаган бошқа барча ҳолатлар учун амалдаги қонун ҳужжатлари нормалари қўлланилади.

XVII. ТОМОНЛАРНИНГ БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ ВА ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ:

БОШ ПУДРАТЧИ

ЁРДАМЧИ ПУДРАТЧИ

Кашкадарё ЙМФУК

“Унверсал Таъмир Таъминот” ИЧК

Карши ш. Турткул куча №2-уй

Карши шаҳар Тошсарой 24-уй

Х/Р : 22626000004562455008

Х/Р : 2021 0000 1042 5237 7001

Банк: АТБ Миллийбанк Карши ш

Банк: АТБ Миллийбанк Карши ш

МФО: 00150

МФО: 00150

ИНН: 206 820 624

ИНН: 204 481 984


ОКЭД: 42 110

ОКЭД: 42 220

Тел: (55)-401-08-19

Тел: (75) 225-40-29

Директор :  **Б.Вафаев**

Директор :  **Т.Ахатов**